

АНДИЖОН ШАХАР
«МАКАЗИЙ ДЕХКОН БОЗОРИ» АЖ
КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ
27.11.2020 ЙИЛДАГИ ЙИГИЛИШ
КАРОРИГА АСОСАН

МАЪКУЛЛАНГАН

АНДИЖОН ШАХАР
«МАРКАЗИЙ ДЕХКОН БОЗОРИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

2021 йил учун тузилган

БИЗНЕС - РЕЖАСИ

АНДИЖОН ШАХАР - 2020 ЙИЛ

КИРИШ

Андижон шаҳар «Марказий дехкон бозори» акциядорлик жамияти (матн давомида «Жамият» деб номланади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги 171-сонли ва 1995 йил 4 декабрдаги 448-сонли қарорлари асосида ҳамда Андижон вилояти Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1996 йил 19 апрелдаги 559-сонли буйруғи билан Андижон шаҳар «Марказий дехкон бозори» негизида ташкил этилган.

Жамият 2003 йил 8 августда акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан ва 2003 йил 19 сентябрда Андижон вилояти Адлия бошқармаси томонидан тасдиқланган.

Жамият 2019 йил 14 январдаги 36-сонли тартиб рақами билан Андижон шаҳар Давлат хизматлари марказидан қайта рўйхатдан утқазилган.

Жамият манзили: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 246 уй манзилида жойлашган бўлиб, жамиятга Андижон шаҳар ҳокимлиги томонидан умумий майдони 37348 кв.м ҳажмдаги ер майдони бириктирилиб берилган;

1. Юридик манзили: Индекс:170100, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 246 уй;

2. Статистика органларидан берилган тармоқ коди: 1703401;

3. Ихтисослашуви (фаолият тури): 71260;

4. СТИР: 201533034;

5. Хизмат кўрсатувчи банк: ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар;

- ҳисоб рақами 20210000000183868001; МФО 00074;

6. Иш режими: (хафтада 6 кун);

- иш вақти соат 9 дан 17 гача;

7. Ишчи-ходимларнинг умумий сони: 36 нафар, шундан, Маъмурий бошқарув ходимлари сони 10 та;

8. Умумий ер майдони, жами 3,7 га.

ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ

Жамиятнинг устав фонди ҳажми 6 183 930 000 (Олти миллиард бир юз саксон уч миллион туккиз юз уттиз минг) сўмни ташкил этади.

Жамиятнинг акциядорларининг сони 282 нафарни ташкил этади ва Устав фонди қўйидаги тартибда тақсимланган:

1. Андижон шаҳар ҳокимияти улуши 99,58 фоиз;
2. Юридик шахслар улуши 0,02 фоиз;
3. Жисмоний шахслар улуши 0,4 фоизни ташкил этади ва жамиятнинг устав фонди тўлиқ шакллантирилган.

ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, қонунига ва жамият уставига асосан жамиятни бошқаришни Акциядорларнинг (таъсисчилар) умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи амалга оширади. Жамиятнинг олий бошқарув органи Акциядорларнинг (таъсисчилар) умумий йиғилиши ҳисобланади.

ЖАМИЯТНИНГ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

- Молиявий ривожланиш, нархлар ва жамият фаолиятининг фиксал режими;
- Жамиятни жисмоний ривожланиши;
 - Жамият имиджи;
 - Жамият хизматлари нархлари;
 - Жамиятнинг шахсий савдо фаолияти;
 - Жамият томонидан истеъмол қилинадиган хизмат ва маҳсулотларга нархлар;

- Солиқ режими;
- Банк кредитланишининг нархи ва шартлари;
- Инфляциянинг миқдори ва тезлиги;
- Низом жамғармасининг миқдори ва дивидендларни тўлаш частотаси.
- Жамиятга қарашли бино ва иншоотларни ижарага бериш ва уларга коммунал хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш.

Жамият ҳудудида халқ истеъмоли молларига ихтисослашган савдо жойлари (дўконлари), 4 та озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш бўйича савдо жойлари (дўконлари), 10 тага мўлжалланган аравалар 15 та ва 70 та тарозилар мавжуд бўлиб, улардан тушадиган маблағларни шунингдек, ижарага берилган бино ва иншоотлардан ижара ҳақлари ва автотураргоҳдан тушадиган тушумларни белгиланган таъриф асосида ундириш.

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ ВА ДАРОМАДЛАРИ

- Бозор ҳудудида аҳолининг кундалик ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда харидорлар учун қулай шароитлар яратиш, савдони ташкил этиш бўйича савдо хизматларини кўрсатишдан иборат.

Жамиятнинг асосий фаолият турлари ва даромадлар манбаига қуйидагилар киради:

- савдо жойлари учун ундириладиган жой ҳақи тўловлари (озик-овқат, ноозик-овқат, бошқалар);
- бозорнинг ҳудудида жойлашган ва уларнинг тасарруфидаги ер участкалари, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумлар;
- сотувчилар ва харидорларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- арава, тарози, ҳожатхона ва бошқа хизматлар учун тўловлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар бозор даромадларининг манбалари ҳисобланади.

**ЖАМИЯТНИНГ 2021 ЙИЛ УЧУН ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР
СМЕТАСИ**

Кўрсаткичлар	2021 йил учун (режа)			
	1-чорак	1-ярим йиллик	9 ойлик	йиллик
Жами даромадлар:	487500	975000	1462500	1950000,0
Жой хақи	325000	650000	975000	1300000,0
Ижара ҳақи	75000	150000	225000	300000,0
Жами пуллик хизматлар:	87500	175000	262500	350000,0
Арава хизмати	7500	15000	22500	30000,0
Тарози хизмати	10500	21000	31500	42000,0
Қишлоқ хўжалик ва бошқа озиқ- овкат маҳсулотларини сақлаш (Коровулик хизмати)	15000	30000	45000	60000,0
Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш хизмати	49500	99000	148500	198000,0
Бошқа пуллик хизматлари	5000	10000	15000	20000,0
Давр харажатлари	196000	392000	588000	784000,0
Иш ҳақи	175000	350000	525000	700000,0
12% ижтимоий солиқ	21000	42000	63000	84000,0
Мол-Мулк солиғи	60000	120000	180000	240000,0
Ер солиғи	30000	60000	90000	120000,0
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1250	2500	3750	5000,0
Сув ва канализация	5000	10000	15000	20000,0
Электр қуввати	37500	75000	112500	150000,0
Асосий воситалар амортизацияси	25000	50000	75000	100000,0
Аудит, реестр юритиш	3750	7500	11250	15000,0
Махсустрас	6250	12500	18750	25000,0
Банк хизмати	5000	10000	15000	20000,0

ОАВга обуна ва реклама, плакатлар	3000	6000	9000	12000,0
Концелярия ва хужалик харажатлар	2500	5000	7500	10000,0
Хомийлик ва байрам харажатлари	2500	5000	7500	10000,0
Бошқа харажатлар	2000	4000	6000	8000,0
Жами бюджетга солиқлар	154750	309500	464250	619000,0
ҚҚС 15% зачет билан	63500	127000	190500	254000,0
Жами харажатлар	443250	886500	1329750	1773000,0
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда	44250	88500	132750	177000,0
Фойда солиғи	8850	17700	26550	35400,0
Хисобот даври соф фойдаси (зарар)	35400	70800	106200	141600,0
Рентабеллик даражаси				10%

Жамият томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметасининг харажат қисмида белгиланган маблағ доирасида иш олиб борилади. Имкон даражасида кам маблағ ишлатилиб, режалаштирилган харажатлардан иқтисод қилиниши кўзда тутилади.

Жамият 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режасида унинг бажариладиган ишлар сифатини ошириш, фойдалилик ва дивидендларни тўлаш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан, жамият ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.

ЯКУНИЙ ХУЛОСА

Жамият томонидан 2021 йилда даромадларни янада ошириш, аҳолига турли хил хизматлар кўрсатиш, қўшимча жойларни ташкил этиш ва бошқа вазифаларни ўрнатилган тартибда амалга ошириш йўлга қўйилиши мумкин.

Жамиятнинг 2021 йил учун белгиланган фаолиятида соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва юртбошимизнинг маърузаларида кўтарилган масалаларни бажаришга асосий эътибор қаратилади. Хусусан, барча ҳаётий масалалар бошқарув ижроия органининг кундалик режавий йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, белгиланган тадбир ва қабул қилинган қарорлар асосида иш олиб борилади.

Жамиятнинг 2021 йил учун истиқболли режаларида асосий эътиборни бутун куч ва бор имкониятларни биринчи навбатда белгиланган режаларни ошириб бажарилишига, шунингдек асоссиз харажатларни вужудга келмаслигига қаратилади. Жумладан, бу тадбирларда жамиятимиздаги мавжуд камчиликларни ва нуқсонларни ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, олинган даромадларни тўғри шаклланиши ва улардан мақсадли фойдаланиш, жой ҳақи ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлиқ ундирилишини таъминлаш каби ишлар режаси белгиланди ва амалий ишлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамиятнинг ҳар бир ишчи ходимлари ва ижроия органи ходимлари белгиланган прогноз режаларни бажарилишида юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар доирасида ўз иш фаолиятини белгилашлари лозим.

Шунингдек, ушбу Бизнес-режада кўзда тутилган тадбирлар жамиятнинг таркибий бўлинмалари томонидан тўғридан-тўғри жамият ижроия органи назорати остида амалга оширилади.

Ушбу Бизнес-режанинг бажарилишини назорат қилиш белгиланган тартибда жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади, шу жумладан, ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботларини тинглаш, прогнозларнинг бажарилмаслик ҳолатлари аниқланганда, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

**Андижон шаҳар
«Марказий дехкон бозори» АЖ
Бошқарув раиси:**

М.Умаров

Бош ҳисобчи:

М.Хасанов